ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 89 (10.394) / 2005 ЙИЛ 6 МАЙ

## 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни

*Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш демакдир.*

*Ислом КАРИМОВ*



## СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!

**Ҳар гал бу майдонга келганимда, ўтганларнинг руҳи олдида бош эгаман. Мотамсаро она ҳайкалига узоқ тикилиб, хаёлга толаман. Во ажаб, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери орадан олтмиш йил вақт ўтди. Лекин унинг асорати юракларимизда бир умрлик армонга айланиб қолган экан. У ҳамон мисли олов сингари онажонларимиз жигар-бағрини ўртаб келаётганига ушбу манзаранинг ўзи гувоҳлик бериб турибди.**

Эл-юрт фарзандлари номлари заРҳал ҳарфлар билан битилган ёдгорлик лавҳаларини бирма-бир варақлайман. Қанчадан-қанча номлар зикр этилган унда. Бугун уларни санаб адоғига етолмаймиз. Албатта, бу санага шунчалик эътибор бераётганимизнинг боиси бор. Бу Истиқлол нашидаси, инсоний қадриятларнинг тикланиши, демократик жамият қурилишининг мазмун-мундарижаси намойиши. Хотираси бутун халқ миллати, ўзлигини англагани сайин миллий афзалликларни кўз қорачиғидек асрайди. Агар йилларни бирбирига қиёсласак, бу руҳ-покларнинг кўпчилиги йигитликнинг авжи навқирон ёшида оламдан ўтганлигига шоҳид бўламиз. Беихтиёр кўз ўнгимизда нуроний оналар, ўн гулидан бир гули очилмаган ёш, лобар аёллар, чимилдиқ ичига эндигина кирган келинчаклар келади. Бир томондан уларнинг: «Бизнинг гуноҳимиз не эди», деган фарёдлари, бир томондан эса: «Биз ҳам ҳаёт лаззатини тотишга ва яшашга ҳақли эдик», деган шаҳид кетган йигитларнинг оҳу-ноласи эшитилгандек бўлади. Обидага битилган: «Сен доимо қалбимдасан, жигарим», деган сўзларни ўқийман. Гўё улар онажонларимизнинг фарзандларига бўлган меҳрини ифодалаш билан бирга одамларни ҳушёрликка чорлагандек, гўё бу сўзлар авлодларга ўша даҳшатли йиллар хотирасини эслатиб, уларни бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишга, тинчликни муқаддас билишга ундаётгандек туюлади.

Мотамсаро онага тикила туриб, яна бир гап дилимдан ўтди. Бугун бутун олам аҳлини тан қолдирган бу мўъжизакор мажмуани яратиш ташаббускори бўлган Юртбошимиз шаънига бир олам эзгу-тилаклар дилимдан қуюлиб келди. Бугун қанча-қанча оналаримиз нуридийдаларининг руҳини шод этган бу ноёб ёдгорликни бунёд этишда қатнашган ижодкору қурувчиларга, теварак-атрофни чароғон қилиб қўйиган қўли гул кишилар меҳнатига тасаннолар айтгим келади. Майдонга чинакам кўрк бағишлаган бу мажмуа шаҳрим номи билан боғлиқлигини эслаб, қалбим янада ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлди.

Ҳалигина одамлардан ҳоли бўлган ёдгорлик атрофи кўп ўтмай зиёратчилар билан гавжумлашди. Майдон момоси — Мотамсаро она эса келганларни ўз бағрига чорлайди, гўё онаизор зиёратгоҳга ташриф буюрганларга қарата: «Келинг, келаверинг, азизларим, бу жой муқаддас. Унинг ҳокини кўзингизга суртсангиз, арзийди», деяётгандек.

Хаёллар оғушида сўлим Анҳор томон одимлайман. Мавжланиб оқаётган Анҳор тўлқинларига маъюс тикиламан. Улар орасида жанггоҳларда ҳалок бўлган турли қиёфалар жонланади. Улар бир овоздан: «Авлодлар, биз сизларни севардик. Сизлар ҳам бизларни унутмабсизлар», дегандек туюлади.

Анҳор бўйлаб юриб, яна Мустақиллик майдонига чиқдим. Баногоҳ жажжигина қизалоқнинг қўлимдан торткилашидан ҳушимга келдим.

— Амакижон, сизни бувим чақиряптилар.

Мендан сал нарида бошига қора рўмол ўраб олган кекса бир онахон турар эди.

— Болам, илтимос, мана бу лавҳаларни қараб бергин, менинг ҳам урушда ҳалок бўлган ўғлимнинг исми битилганмикан унда? Оти Қаршибой, отасининг оти Ўроқ.

Қашқадарёдан келган онаизорнинг истагини бажо келтирдим. У ўғлининг номи тилга олиниши билан жим қолиб, кўзидан юм-юм ёш тўкди. Кейин фарзандининг исми-шарифи битилган саҳифани силаб-сийпаб: «Болам, болажоним», дея унсиз бўзлади. Қўллари толгач, ерга тиз чўкиб тиловат бошлади. Онаизорни ўз ҳолига қўйиб нари кетдим.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан биз яна бир бор мозийга қайтдик, ўтмишга назар ташладик. Жанг майдонларида ва уруш орти меҳнат жабҳасида матонат кўрсатган мангуликка дахлдор аждодларимизнинг хотирасини яна бир бор тилга олдик, эсладик.

Ниятимиз холис. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқболимиз абадий бўлсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

**2005 йил 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи бўлади.**

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда ҳамда МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этади.

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2005 йил 10-12 май кунлари Корея Республикаси Президенти Но Му Хён давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида бўладиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамда ўзаро алоқаларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама этадилар.

Томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Музокара якўнлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

## БИРОРТА ҲАМ БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

**Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўсиб келаётган ёш авлод, унинг жисмоний ва маънавий саломатлиги, моддий таъминоти тўғрисида ғамхўрлик қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Тошкентда очилган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакл ва усуллари» мавзуидаги халқаро форумда бу алоҳида таъкидланди. Анжуман Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, шунингдек ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ кўмагида ташкил этилди.**

Анжуманда тегишли вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари, болалик муҳофазаси билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Буюк Британия, Швейцария, Россия, Руминия, Туркия, Украинадан келган шу соҳа мутахассислари ҳам қатнашмоқда. Анжуманнинг мақсади давлат ва жамоат ташкилотлари, олимлар ва мутахассисларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий мослашувини таъминлаш учун умумий ёндашув ва ягона стратегияни ишлаб чиқишдан иборат.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ �ЎТДИ. БУГУН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.**

**• Тошкент Ислом университетида «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда «Ҳадис ва ҳаёт, поклик ва саломатлик» мавзуида халкаро анжуман ўтказилди.**

**• Тошкентдаги Халқаро бизнес-марказида компьютер ўйинлари бўйича учинчи Ўзбекистон чемпионати ўтказилишига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

**• Кўп тармоқли ва универсал «Ishonch» банклараро суғурта компанияси Буюк Британиянинг жаҳондаги энг йирик суғурта брокерларидан бири ҳисобланган «Oakeshott insurance consultants LTD» компанияси билан қайта суғурталаш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолади.**

**• Навоийда «Континент-Н-ёғ-мой» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга туширилгач, вилоят аҳолисининг ёғ-мойга бўлган талаби тўлиқ қондирилди.**

**• Чироқчи туманидаги фермер ва тадбиркорларнинг бевосита кўмагида тумандаги Шўрбозор ва Хушали қишлоқларида 34 минг АҚШ доллари микдоридаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

**• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Кот-д' Ивуардаги тинчликпарвар кучларнинг мамлакатда қолиш муддатини яна бир ойга узайтириш тўғрисида резолюция қабул қилди.**

**• Кеча Буюк Британияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Парламентнинг қуйи палатасига мамлакатдаги 20 та партия вакиллари кураш олиб борди. Ўтказилган сўровномалар натижаларига қараганда, лейбористлар партиясининг қўли бироз баланд келмоқда.**

**• Гарчи таркиби тўлиқ бўлмасада, Ироқнинг биринчи демократик ҳукумати қасамёд қабул қилди.**

**• Покистоннинг Шимолий Вазиристон вилоятида «Ал-Қоида» ташкилотининг мамлакатдаги филиали бошлиғи Абу Фараж Либбий қўлга олинди. Маълумотларга кўра у «Ал-Қоида»нинг учинчи етакчиси бўлиб, кўпгина кўпорувчиликлар ташкилотчисидир.**

# Ўзбекистон – Корея Республикаси: ҲАМКОРЛИКНИНГ СОҒЛОМ НАФАСИ

**“Тонгги мусаффолик мамлакати” (Корея Республикаси жойлашган ярим орол айнан шундай деб аталади) ҳақида гап кетганда тасаввуримизда ўз гўзаллиги ва техникавий ютуқлари билан лол этадиган мамлакат пайдо бўлади. Маданияти ва турмуш тарзининг яқинлиги, меҳнатсеварлик, ўтмишга чуқур эҳтиром ва истиқбол сари дадил одимлаш ўзбек ва корейс халқларини яқинлаштириб турган фазилатлардир.**

Президент Но Му Хённинг ўзбек заминига давлат ташрифи арафасида Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олиб, дипломатик муносабатлар ўрнатгани, Президент Ислом Каримов уч маротаба Кореяга сафар қилгани, 1994 йил Корея Республикасининг ўша пайтдаги Президенти Ким Ен Сам мамлакатимизга ташриф буюрганини эслаш ўринлидир. Ушбу учрашувлар давомида барча соҳалардаги ҳамкорликка мустаҳкам асос солинган.

Ҳар иккала мамлакатнинг кўплаб халқаро масалалар бўйича қарашлари тўғри келади. Икки томонлама товар айирбошлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили мазкур кўрсатгич 409 млн. АҚШ долларини ташкил қилди – бу 2003 йилга нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп демакдир. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган бевосита сармояларнинг умумий миқдори 1 млрд. доллардан ошиб кетди. Республикада Жанубий Корея тадбиркорлари иштирокидаги 123 та корхона фаолият юритаяпти, улардан 23 таси ушбу мамлакатлик ҳамкорларнинг юз фоиз капиталига асосланган. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Кореянинг 31 компанияси рўйхатдан ўтган.

“ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигининг ёрқин мисоли бўла олади. Ушбу корхона фаолияти бошланиши билан Ўзбекистон автомобиллар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар қаторига қўшилди. Асакадаги завод билан бир қаторда бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб йўлдош-корхоналарга асос солинди. Локализация жараёни давом этмоқда ва бу юқори технологик жараёнларга асосланган минглаб янги ишчи ўринлари демакдир.

Икки мамлакат парламентлари аъзоларининг фаол мулоқотлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги доимий консультациялар ўзаро муносабатларнинг муваффақиятли ривожига ҳисса қўшаяпти. Икки томонлама мулоқот кўламида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик муҳим роль ўйнамоқда. Бугун Ўзбекистон олий ўқув юртларида Жанубий Кореялик 30 га яқин талаба ва аспирантлар таҳсил олишаяпти, Корея Республикасининг турли билим даргоҳларида эса 130 га яқин ҳамюртларимиз ўз билимларини оширишмоқда. Тошкентда 1992 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Корея таълим маркази олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар учун танлов асосида тил ва минтақавий стажировкалар, малака ошириш курсларини ташкил қилиб келаяпти.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг ўрталаридан бери яшаб келаётган этник корейслар жамиятимизнинг кўзга кўринган ва ажралмас қисмига айланган. Ўзбекистонлик корейсларнинг иқтидори ва меҳнатсеварлиги уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида юқори мавқега эга бўлишига сабаб бўлаяпти. Шу ўринда Тошкентдаги тўртта кўча корейс номлари билан аталишини эслашнинг ўзи ҳам етарлидир.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан доимий тарзда уюштириб келинаётган Корейс маданияти ҳафталиклари доирасида турли кўргазмалар, халқ ўйинлари ва урф-одатлари намойишлари, корейс мумтоз ва эстрада мусиқаси ҳамда кинофильмлар фестиваллари ўтказилмоқда. Шуни айтиш мумкинки, корейс маданияти Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Худди шундай фикрни ўзбек миллий ошпазлик санъатига уйғунлашиб кетган корейс таомлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

**Иқболжон СОЛИЕВ,**
**“Жаҳон” АА**

# БИРОРТА ҲАМ БОЛА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Мамлакатимизда ёш авлод ҳаётини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган ижтимоий йўналтирилган сиёсат изчил амалга оширилмоқда. Улар юртимиз келажагининг бунёдкорлари ҳисобланади, деб таъкидлади анжуманни очар экан, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори, «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова. 2004 йилда Тошкентда ўтган «Етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш» халқаро конференциясида қабул қилинган Меморандумга мувофиқ, етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ва у катта ишларни бажармоқда. Бундай болалар бўйича ижтимоий индикаторлар ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Унинг асосида идоралараро маълумотлар банки яратилмоқда. Миллий қонунчиликнинг БМТ «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси талабларига нечоғли мослиги таҳлил қилинмоқда. Айни кунларда «Ўзбекистон болаларининг ҳуқуқлари ва фарвонлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар халқаро, миллий, идоравий ва ҳудудий даражада амалга оширилмоқда, деб таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов. Бу ишда республика жамоат ташкилотлари, жумладан «Маҳалла», «Sen yolg'iz emassan», Болалар жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Шунингдек, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЖСТ, ОТБ, «СОС-Киндердорф Интернешнл» ассоциацияси каби халқаро ташкилотлар ҳам кўмаклашмоқда.

Ҳомийлик ва васийлик ташкилотлари етим болалар муаммолари билан шуғулланиб, васий тайинлаш, боқиб олиш, «Меҳрибонлик» уйларига жўнатиш тўғрисида қарорлар қабул қилмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд 28 та «Меҳрибонлик» уйида 3200 дан ортиқ бола тарбияланмоқда. Улар тўлиқ давлат қарамоғида бўлиб, барча зарур нарсалар — озиқ-овқат, кийим-кечак, мактаб анжомлари, тиббий хизмат билан таъминланган.

Бу болаларнинг нафақат умумий ривожланишига, балки ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ногирон болаларни таълим тизимига тўла қамраб олиш энг кескин муаммолардан биридир, деб таъкидланди анжуманда.

Мамлакатимизда 84 та махсус мактаб ва мактаб-интернат ҳамда 5 та «Мурувват» болалар уйи фаолият кўрсатмоқда. Бироқ ногирон болаларнинг ҳаммаси ҳам тўлақонли таълим олаётгани йўқ, баъзилари эса соғлиғи туфайли ҳозирча бундай имкониятдан фойдалана олмаяпти. Экспертларнинг фикрича, республикада инклюзив таълимнинг йўлга қўйилиши муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Бу усулда имконияти чекланган болалар оддий мактабда ва, зарур бўлганда, ундан ташқарида, аммо махсус, уларнинг қобилиятларига мосланган дастурлар бўйича ўқитилади. Бу уларга ижтимоий мослашув босқичларидан тезроқ ўтиш имконини беради. Фарғона вилоятининг баъзи мактабларида бундай тажриба қўллаб келинмоқда. Имконияти чекланган фарзанди бўлган оилалар ҳам кўмакка муҳтож. Бугун уларнинг кўплаб муаммолари 2000-2005 йилларда ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга ошириш орқали ҳал этилмоқда. Анжуманда бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш учун бундай оилаларга ёрдам кўрсатишнинг алоҳида комплекс дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Унда ота-оналарга зарур тиббий, педагогик ва психологик кўникмаларни ўргатиш ҳам кўзда тутилади.

Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бунда республикамиздаги скрининг марказлари фаолияти эътиборга моликдир.

Анжуманда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, халқ таълими вазири Т.Жўраев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О.Обидов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари П.Бобожонов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссайни, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн ва бошқалар сўзга чиқди.

Анжуман қатнашчилари мамлакатимиз ҳамда хорижда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий мослашуви, етимликнинг ижтимоий-психологик муаммолари қандай ҳал этилаётгани ҳамда болаликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан таништирилди.

Анжуман иштирокчилари ўз чиқишларида ўтган йилнинг сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташкил этилиши давлат ва жамоат тузилмалари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлганини таъкидлади. Халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бири ёрдамга муҳтожларга беғараз кўмак бериш фазилати — мамлакатимизда бирорта бола эътибордан четда қолмаслигининг кафолати ҳисобланади. Бу одат нафақат унутилмади, балки жамиятимизда тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

— Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари олдида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга муносиб шароит яратиб бериш бўйича бир хил вазифалар турибди, — деди анжуманда ЮНИСЕФнинг Женевадаги минтақавий офиси бош маслаҳатчиси Александр Гордон. – Бундай нуфузли халқаро анжуманнинг ташкил этилиши ана шу вазифаларни муҳокама этибгина қолмай, саъй-ҳаракатларни бирлаштириб, болалар манфаатларини ҳимоялаш йўлида аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. ЮНИСЕФ жамиятнинг барча институтлари биргаликда фаолият кўрсатиши мақсадида «Бола учун ҳимоя муҳити» деб аталган янги ёндашувни ишлаб чиқди. Мамлакатингизда бу фаолиятнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши қўшимча имкониятлар яратади.

Болаликни ҳимоя қилиш соҳасидаги қўлга киритилган ютуқлар — Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссасидир.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова қатнашди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб ўтказилган кеча “Хотира муқаддас — қадрлаш эса бурчдир” деб номланди.

• **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида туманда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари учун хайрия тадбири уюштирилди, уларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

• **БУГУН** “Само” қаҳвахонасида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Ҳамза туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

• **ЎТГАН** куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги ўқув муассасалари “Камолот” етакчилари ҳарбий қисмга саёҳат қилишди.

• **КЕЧА** “Табассум” қаҳвахонасида Яккасарой туман ҳокимлиги, “Маънавият ва маърифат” маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, “Халқ бирлиги” ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкил этилган хайрия тадбирида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

• **КЕЧА** Акмал Икромов туман ҳокимлигида туман мусиқа мактаблари ўқувчиларининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

• **ЎТГАН** куни Давлат Рус академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган маданий-маърифий тадбир «Қалбимиз қўридасиз» деб номланди.

• **КЕЧА** «Нур» ресторанида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ташаббуси билан уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган тадбир Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди.

• **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Гулзор» ресторанида туман ҳокимлиги ташаббуси билан уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

• **289-МАКТАБДА** Бектемир туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкил этилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида мактаблар ўқувчилари иштирок этишди.

• **«ТЕПА»** маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан фаол аёллар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати аёллар орасида жиноятчилик ҳоллари содир бўлишининг олдини олиш масаласига бағишланди.

• **БУГУН** «Зарафшон» ресторанида уруш ва меҳнат фахрийларига Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

• **25-МАКТАБДА** Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Нафосат» ёш қаламкашлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар саралаш босқичи ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Транспорт*

## ГАЗ ЁНИЛҒИСИДА ИШЛАЙДИ

**“Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компаниясига қарашли “Интертранссервис” қўшма корхонасининг моддий-техник негизи мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги йилларда у четдан олиб келинган транспорт воситалари ҳисобига бойиди.**

“Газель” русумли мўъжаз автобуслардан 20 га яқини сотиб олинди. Россияда ишлаб чиқарилган бу хил автобуслар йўловчилар учун қулай бўлиб, техник конструкцияси билан ажралиб туради.

Уларнинг газ ёнилғисида .ишлашга ўтказилгани ҳам айни муддао бўлди. “Газель” русумли автобуслардан яна 32 тасини олиб келиш кўзда тутилди.

## АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

**Транспорт хизматини ташкил этишда радио ва телефон алоқаси муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам “Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компанияси корхона ва бўлинмаларида бундай имкониятдан мақсадли равишда кенг фойдаланишга эришилмоқда.**

Ушбу тармоқдаги алоқа хизмати бўлими энг замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган. Бўлимнинг радиоалоқаси тармоғи ҳам янги аппаратларга эга бўлди. Бу эса марказий диспетчерлик хизматини ўз вақтида аъло даражада йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари телефон алоқаси ҳам транспортчилар иш унумини оширишда илғор алоқа воситасига айланди.

## КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲИСОБ БЕРДИ

Транспорт хизмати кўрсатиш натижаларини ҳисоб-китоб қилишда илғор усуллардан фойдаланилмоқда. Шаҳримиздаги “4-автобус саройида бўлиб ўтган йиллик ҳисоботи ҳам ўзига хос тартибда ташкил этилди. Кузатув кенгаши раиси томонидан қилинган ҳисоботда автосаройда транспорт воситаларидан унумли фойдаланишда қатор ютуқлар қўлга киритилгани қайд қилиб ўтилди. Бундан ташқари раҳбариятнинг молия-хўжалик фаолиятига доир ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинди. Келгусида бу борада қилинадиган ишлар режалари ҳам белгилаб олинди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Ислоҳотлар оқимида*

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

**Маълумки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодга таълим-тарбия бериш борасида кенг кўламдаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида таълим-тарбияга оид мавзуларни ёритувчи оммавий ахборот воситалари ходимлари учун анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев сўзга чиқиб Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини таъкидлаб ўтди. Бу борадаги барча ишлар изчиллик,узвийлик, таълим ва тарбия жараёнининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги каби тамойиллар асосида амалга оширилаётир. Айтиш жоизки,2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида янги таълим муассасаларини бунёд этиш, эскиларини таъмирлаш, уларни энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек унда ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш каби муҳим йўналишларга алоҳида аҳамият берилган.

«Ўзэкспомарказ» Республика савдо кўргазмалар марказида мактаб мебеллари, ўқув -лаборатория ускуналари ва спорт анжомлари тендер-танлов кўргазмасининг ташкил этилиши ва унга Ютбошимизнинг ташриф буюришлари, ўз қимматли фикрмулоҳазаларини билдиришлари юртимизда таълим соҳасига берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Анжуманда такомиллашган давлат таълим стандартлари ва улар асосида янги ўқув адабиётларини яратиш, ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини самарали ва мазмунли ташкил этишга оид масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Йиғилишда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Дилнора ШОКИРОВА**

*Танловлар*

# САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ ДИЛДАН КУЙЛАШДИ



**Маълумки, халқимиз санъатни жону дилидан севадиган, уни доимо эъзозлайдиган халқ. Эътибор берсангиз, жажжи кичкинтойларимиз тиллари чиқар-чиқмас мусиқа садоларини ҳайратланиб тинглаб, кўлчаларини кўтариб қувончдан яйраб ўйинга тушадилар, ширин тиллари билан хиргойи қиладилар. Бу албатта миллатимизнинг санъатга ихлоси баландлигидан далолат эмасми.**



Яқинда Рус академик драма театрида Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамда туман ўқувчилар ижодиёт маркази ташаббуси билан «Ўзбекистон — менинг Ватаним» қўшиқ байрами кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



Танловда Мирзо Улуғбек туманидаги мактаблар ва қарсоқов болалар учун махсус мактаб-интернат ўқувчилари ҳамда Ўқувчилар ижодиёт маркази қошидаги бадиий жамоалар иштирок этдилар. Қўшиқ байрамида қатнашган ёш истеъдод эгалари она-Ватан, серқуёш Ўзбекистонимиз, буюк истиқлолимиз,тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи қўшиқларни завқ билан куйлаб, жозибали рақслар ижро этиб йиғилганлар қалбига бир олам хуш кайфият улашишди. Танловнинг шу жиҳати аҳамиятлики, ўқувчилар саҳнада қўшиқларни фонограммасиз, жонли ижро этдилар. Қатнашчиларнинг ҳар бир чиқишларида уларнинг истеъдодлари,санъатга бўлган меҳр-муҳаббатлари яққол намоён бўлиб турди. Концерт дастурида 101-кар-соқов болалар махсус мактаб-интернати рақс жамоаси ижросидаги хоразмча рақс, 64-мактабнинг ашула ўқитувчиси М.Арутюнова ижросидаги «Марварид», ўқувчилар ижодиёт маркази қошидаги карнай-сурнай, доирачилар гуруҳлари ижролари, «Ўйна-ўйна» қўшиқлари йиғилганларга манзур бўлди.

— Бугунги кунда санъатга иштиёқи баланд бўлган ёшлар сони тобора ортмоқда, уларнинг мана шундай танловлар ва фестивалларда ярқ этиб кўринишлари қувонарли ҳолдир,— дейди Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказининг «Маънавий-маърифий» ишлар бўйича услубчиси Ширмоной Асранова.- Албатта ёш истеъдод эгаларини аниқлашда бундай танловларнинг аҳамияти катта. Мақсадимиз, ёшлар қалбида санъатга, Ватанга меҳр уйғотишдан иборатдир.

Ёш санъат ихлосмандларининг чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Танлов сўнгида ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирландилар ва «Ўзбекистон — менинг Ватаним» қўшиқ байраминиг республика босқичига йўлланма олдилар.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек тумани бўйича мактаб ўқувчиларининг «Ўзбекистон — менинг Ватаним» қўшиқ байрамидан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар.**

*Тадбирлар*

# ЁШЛАР ДАВРАСИДА

**Яқинда Республика ўқувчилар саройида “Ўзбекистон демократик ўзгаришлар даврида” деб номланган давра суҳбати ўтказилди.**

Республика ўқувчилар саройи томонидан ташкил этилган бу тадбирда Тошкент шаҳридаги мактабларнинг маънавий ва маърифий, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, Республика “Камолот” ЁИҲ, “Камалак” болалар ташкилоти сардорлари қатнашдилар. Тадбирда Олий Мажлис қўмитаси раиси, Азамат Зиё, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси услубчиси Саида Абдураҳмоновалар ёшларни қизиқтирган .саволларга атрофлича жавоб бердилар.

**Зумрад КАМОЛОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**

**Пойтахтимиздаги “Қувонч” болалар боғчаси санитария кўринишидаги энг яхши тарбия даргоҳи ҳисобланади. Кичкинтойлар билан таълим-тарбия ишларини олиб бораётган моҳир педагоглар изланишлари туфайли қатор қўлланмалар юзага келди.**

*Диққат: янгилик!*

# БОҒЧАДА ЎҚУВ ХОНАСИ

Ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларига оид қўлланмани тайёрлашда эса муаллифлар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан бамаслаҳат иш тутдилар. Бу борадаги изланиш боғчада ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ўрганишга ихтисослаштирилган ўқув хонасини очиш ғоясини туғдирди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ходимлари ҳам бу хайрли ишга яқиндан бош қўшиш истагини билдирдилар. Бундай ўқув жараёнидан қўшни болалар боғчалари тарбияланувчилари ҳам баҳраманд бўладилар.

**Анвар ҒАНИЕВ**

**Мамлакатимизда замонавий мусиқа санъати асарларини тарғиб қилишда камер оркестрларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Камер оркестри ҳам бу йўналишда жўшқин фаолият кўрсатиб келмоқда.**

*Санъат*

# ЮБИЛЕЙ КОНЦЕРТИ

Мазкур истеъдодли ижодий гуруҳ ташкил топганига ўттиз йил бўлди. Бу орада унинг концерт репертуари кўплаб жозибадор асарлар билан бойиди. Сайфи Жалил, Тўлқин Қурбонов, Борис Гиенко каби Республикамиз бастакорлари ижод намуналари ҳам маҳорат билан ижро этиб келинмоқда. Моцарт, Бах сингари жаҳон мусиқа санъати намоёндаларининг камер асарлари ҳам тақдим этилмоқда.

Шу сана муносабати билан тайёрланган янги концерт ҳам муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган бу томоша мухлисларни мамнун этди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

